

**«Бизнес режалаштириш» фанининг  
2018/2019 ўқув йили учун мўлжалланган  
СИЛЛАБУСИ**

Фанинг қисқача тавсифи			
<b>ОТМНИНГ НОМИ ВА ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ:</b>	Гулистан давлат университети		Гулистан шаҳри, 1У микрорайон
<b>Кафедра:</b>	Иқтисодиёт		“Ижтимоий-иқтисодий” факультети
<b>ТАЪЛИМ СОҲАСИ ВА ЙЎНАЛИШИ:</b>	5230100 – “Иқтисодиёт” таълим соҳаси	Иқтисодиёт	
<b>Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:</b>	Катта ўқитувчи Махмудов Шерали Хусанович	e-mail:	magicman_sher@mail.ru
<b>Дарс вақти ва жойи:</b>	Бош бино 507- аудитория	<b>Курснинг давомийлиги:</b>	28.01.2019-20.06.2019
<b>Индивидуал график асосида ишлаш вақти:</b>	Сешанба ва пайшанба кунлари 14.00 дан 17.00 гача		
<b>Фанга ажратилган соатлар</b>	<b>Аудитория соатлари</b>  <b>Маъруза:</b> 36 <b>Семинар</b> 36	<b>Мустақил таълим:</b>	52
<b>Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги :</b>	Иқтисодиёт назарияси, микроиқтисодиёт, лойиҳа таҳлили, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, менежмент, институционал иқтисодиёт, солиқ ва солиққа тортиш фанлари		

### «БИЗНЕС РЕЖАЛАШТИРИШ» КУРСИННИГ МАЗМУНИ

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фанни ўрагниш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Белгиланган ишлаб чиқариш фаолияти барча турдаги – моддий, меҳнат, молиявий ресурслар, шунингдек, ишлаб чиқариш қуввати билан таъминлаши зарур. Бизнес режалаштириш юқорида айтиб ўтилган ва шу каби бошқа вазифаларни ҳал қилишга хизмат қиласи.

Бизнес режа инвестицияларни асослаб берувчи умумлаштирувчи ҳужжатлардан дастлабкиси бўлиб, маҳсулотларнинг режалаштирилаётган номенклатураси ва ишлаб чиқаришнинг ер, энергетика ва меҳнат ресурсларига эҳтиёjlари каби кўриб чиқилаётган лойиҳанинг тижорат, бюджет ва иқтисодий самарадорлигига доир тушунча бнрувчи бир қатор кўрсаткичлар хақидаги йириклиштирилган маълумотлардан иборат бўлади.

Олий таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, келажакда касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини замонавий курс билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

#### 1. Фанни ўқитиш мақсади ва вазифалари

**1.1. Фаннинг мақсади:** «Бизнес режалаштириш» фани «5230100-Иқтисодиёт» бакалавриат таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Фанни ўқитишдан асосий мақсад – талабаларда бизнес режани бизнес юритиш стратегияси ва тактикасини белгиловчи ҳужжат сифатида ишлаб чиқиши ва амалга ошириш

бўйича билимлар мажмуини шакллантириш бўйича йўналиш ихтисослигига мос билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.

**1.2. Фаннинг вазифалари:** юқорида қўйилган мақсадлар асосида «Бизнес режалаштириш» фанини ўрганишнинг асосий вазифалари:

– бизнес режалаштириш, режалаштириш технологиясининг замонавий услублари ва амалиётини ўрганиш;

- бизнес режанинг тузилмаси ва мазмунини белгилаш;

- бизнес режа бўлимларининг режалаштириш услубларини ўрганиш;

- бизнес режани илгари суриш механизмини ўрганиш;

бизнес режанинг самарадорлигини баҳолаш услубиятини ўрагнишдан иборатdir.

**1.3. Фан якунида талабалар** – Бизнес режани тузиш, унинг таркибий бўлимлари, у бажарадиган вазифалар ҳақида яхлит тасаввур, тушунча ва кўникмаларга эга бўладилар.

### **Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Бизнес режалаштириш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- Бозор иқтисоди тамойиллари ва бизнес тушунчаси;
- бизнес ва аҳоли бандлиги;
- режалаштириш ва прогнозлашнинг мақсади ва вазифалари;
- режалаштириш ва прогнозлашнинг меъёрий асослари;
- корхона фаолиятида бизнес режалаштиришнинг аҳамияти;
- бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятини режалаштириш ва тартибга солиш усуллари;
- корхонада бизнес режанинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти;
- бизнеснинг ахборот асослари;
- бизнес режанинг млохияти ва аҳамияти;
- корхона маҳсулотининг тавсифи;
- корхона ишлаб чиқариш дастури ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- бизнес режани айёрлаш босқичлари;
- корхона миссияси ва мақсадларини аниқлаш;
- корхона бизнес режа тузилмасини шакллантириш талаблари;
- бизнес режани ишлаб чиқиши бошқариш усуллари;
- бизнес режани ресурслар билан таъминланганлигини асослаш қоидалари;
- бизнесни суғурталаш;
- корхонани тавсифлаш ва уни баҳолаш усуллари;
- маркетинг режасини ишлаб чиқиш бўйича талаблар;
- корхона маҳсулотининг комплекс тавсифномаси ва баҳолаш усуллари;
- моддий заҳиралар ҳажмини аниқлаш усуллари;
- корхона ишлаб чиқариш қувватларини ҳисоблаш;
- маҳсулотнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари;
- бизнес режа самарадорлигини баҳолаш услубиётини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- корхонанинг тармоқ ва бозордаги мвқеини таҳлил қилиш;
- бозорни ва асосий рақобатчиларни таҳлил қилиш;
- корхонани баҳолаш ва SWOT таҳлилини амалга ошириш;
- маркетинг стратегиясини аниқлаш;
- бозорни баҳолаш ва истеъмолчилик талабини ўрганиш;
- маҳсулотни бозорга чиқариш стратегиясини белгилаш;
- коммуникатив сиёсат ва маркетинг бюджетини ҳисоблаш;
- ишлаб чиқариш режаси таркиби ва кўрсаткичлари тизимини белгилаш;
- ташкилий қарорлар қабул қилиш;
- кадрлар сиёсати ва персонални бошқариш;

- корхонанинг тўловга қобиллиги ва амалий фаоллиги асосий қўрсаткичларини ҳисоблаш;
- даромад ва харажатларни режалаштириш;
- корхонанинг пул оқимлари, башорат баланси ва зарар кўрмаслигини режалаштириш;
- бизнес режани амалга ошириш учун инвестициялар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш қўнималарига эга бўлиши керак.
- Бизнес режалаштириш жараёнларини таҳлил қилишда иқтисодий моделларни қўллаш; иқтисодий қўрсаткичларни таҳлил қилиш; иқтисодий сиёсатнинг ижобий ва салбий оқибатларига баҳо бериш; иқтисодий сиёсатнинг натижаларини прогноз қилиш малакаларига эга бўлиши керак.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Бизнес режалаштириш” фани асосий фанлардан ҳисобланади. Бу дастурни амалда бажаиш учун таабалар “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Микроиқтисодиёт”, “Макроиқтисодиёт”, “Статистика”, “Саноат тармоқлари технологияси”, “Корхона иқтисодиёти” фанларидан етарлича маълумотга эга бўлишлари лозим.

“Бизнес режалаштириш” фани “Саноат иқтисодиёти”, “Капитал қурилиш иқтисодиёти”, “Саноат маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги”, “Саноатда илмий-техника тараққиёти иқтисодиёти” ва бошқа фанларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қиласди.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Бизнес режа, режалаштириш ва башорат қилиш нимани, қанча, қачон ва ким учун ишлаб чиқариш керак деган саволларга жавоб топади. Хусусан, кўплаб корхона яратилиши ва фаолияти режалаштиришдан бошланади. Режалаштириш мавжуд ишлаб чиқариш кувватлари, рақобатли афзалликлардан максимал фойдаланиш, турли хато ва камчиликларнинг олдини олиш, иқтисодиётдаги янги тенденцияларни кузатиш ва улардан ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш, корхона фаолиятининг кучсиз томонларини аниқлаш ва бартараф қилиш ҳамда асосланмаган таваккалчиликларнинг олдини олишга имкон беради. Шунинг учун ушбу фан ихтисослик фани ҳисобланиб ишлаб чиқариш технологик тизимининг ажралмас бўғинидир.

### **Фанни ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш**

Талабаларнинг “Бизнес режалаштириш” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илгор усусларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, меёрий-хуқукий хужжатлар, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стенклар, кўргазмали қуроллар, маҳсулот намуналари, жадваллардан фойдаланилади.

Дастурда берилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади. Шунингдек, фаннинг долзарб масалалари, мустақил иш сифатида талабаларга ўзлаштириш учун берилади.

### **Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти**

Т/р	<b>Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни</b>	Соатлар				
		Жами	Маъруза	Амалий маш-улот	Лаборатория	Машғулоти Мустақил таълим
1	Бозор иқтисоди ва бизнес	8	2	2		4

2	Бозор шароитларида режалаштириш ва башорат қилиш	8	2	2		4
3	Корхона фаолиятида бизнес режалаштириш	8	2	2		4
4	Корхонанинг бизнес режаси	14	4	4		6
5	Бизнес режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги	8	2	2		4
6	Бизнес режада корхонанинг тавсифланиши	12	4	4		4
	<b>ОН</b>					
7	Бизнес режада корхона маҳсулотини тавсифлаш	8	2	2		4
8	Корхонанинг маркетинг режаси	12	4	4		4
9	Ишлаб чиқариш режаси	12	4	4		4
10	Ташкилий режа ва менежмент	12	4	4		4
11	Молиявий режа	14	4	4		6
12	Бизнес режанинг самарадорлигини баҳолаш	8	2	2		4
	<b>ОН</b>					
	<b>ЯН</b>					
<b>Жами</b>		124	36	36		52

### **АСОСИЙ ҚИСМ** **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни** **Бозор иқтисоди ва бизнес**

Бизнес ва тадбиркорлик. Бизнес – бозор иқтисодиётининг устувор соҳаси. Бизнеснинг мақсади. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш. Ишлаб чиқаришда нодавлат секторининг тутган ўрни. Бизнес ва аҳоли бандлиги. Иқтисодиётни глобаллаштириш ва илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши. Кичик бизнеснинг ривожланиш кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнесни қўллаб-куvvatлашга доир Фармонлари ва Қарорлари. ЯИМда кичик бизнеснинг улуши. Ўзбекистонда ташкилий-хуқуқий шаклни ўзгартирган корхоналар. Корхоналарни молиявий барқарорлиги.

[A3,7-18; A1, 3-12 Q4, 5-26]

#### **Бозор иқтисоди шароитида режалаштириш ва башоратлаш**

Режалаштириш ва башорат қилиш тушунчалари. Корхона (фирма)да режалаштириш тизими. Нима ишлаб чиқариш, кимга ва қанча ишлаб чиқариш. Экстраполяция, мантикий таҳлил, иқтисодий математика, экспертли баҳолаш, корреляцион ва бошқа режалаштириш усуслари. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш ва прогнозлашнинг объектив зарурияти. Режалаштириш ва прогнозлашнинг мақсади, функциялари ва вазифалари. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари. Бир мақсадли прогнознинг вазифаси. Режалаштириш ва прогнозлашнинг норматив асоси. Норма ва норматив тушунчалари, асосий гурухлари ва хўжалик бошқарувида тутган ўрни. Норматив асоснинг таснифланиши ва мақсадлари. [A3,7-18; A1, 3-12 Q4, 5-26]

#### **Корхона фаолиятида бизнес - режалаштириш**

Корхона ва унинг ишлаб чиқариш фаолияти режалаштиришнинг объекти. Стратегик режалаштириш жараёни. Стратегик мақсадни танлаш. Стратегик мақсадларга таянган моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини шакллантириш. Илмий асосланган режалаштириш. Режалаштиришнинг иккита асосий муаммолари. Режалаштиришнинг миқдор ва сифат, ҳажм ва солиштирма кўрсаткичлари Бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятини режалаштириш ва тартибга солиш. Тартибга солишнинг мақсадлари.

Жорий фаолиятни тартибга солиш. Давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари.

[A3,7-18; A1, 3-12 Q4, 5-26]

### **Корхонанинг бизнес - режаси**

Бизнес-режанинг функциялари бўйича иқтисодчиларнинг турли қараашлари. Бизнес-режанинг моҳияти ва вазифалари. Бизнес-режанинг аҳамияти ва зарурияти. Бизнес-режа янги бизнеснинг юраги, хўжалик бошқарувининг воситаси. Бизнес-режани тайёрлаш босқичлари. Бизнес-режанинг лойиха варианти. Бизнес-режани расмийлаштириш ва тасдиқлаш. Расмий ва ишчи бизнес-режа. Корхона миссияси. Корхона этикаси. Корхона танлаб олган қадриятлар йўналиши. Бизнес-режа мақсадларини ишлаб чиқиши. Мақсаднинг бизнес тизимидағи бешта функцияси. Мақсадларнинг мазмуни ва шаклига қўйиладиган талаблар. Бизнес-режанинг ахборотлар манбаи. Бизнес-режа тузилмасини танлаш.

[A3,19-28; A1, 13-22 Q4, 27-29]

### **Бизнес - режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги**

Бизнес-режани ишлаб чиқиши бошқаришнинг зарурати. Бизнес-режани тузища раҳбарнинг роли. Бизнес-режани ишлаб чиқиши муддатлари. Бизнес-режани ресурслар билан таъминланганлиги.

Корхона ходимларнинг малакаси ва касбий кўнималар. Бизнесни суғурталаш. Бизнес-режа муваффақиятининг омиллари. Моддий ресурслар иқтисоди. Ресурс билан таъминлашда талаб қилинадиган билимлар. Ҳукуқий таваккалчиликлар. Ишлаб чиқариш таваккалчиликлари. Маркетинг таваккалчиликлари. Молиявий, инновацион, ижтимоий таваккалчилик. Таваккалчилик оқибатларини объектив ўлчаниши ва фиймат баҳосига эга бўлишнинг зарурати.

[A3,29-37; A1, 23-42 Q4, 30-45]

### **Корхона тавсифи**

Бизнес-режа титул варағи. Бизнес-режанинг кириш қисми. Резюме. Корхонанинг тармоқдаги ва бозордаги ҳолати таҳлили. Тармоқни таснифлаш. Тадбиркорлик фаолияти соҳасини танлашнинг асосий омиллари. Корхонани баҳолаш. Бозорни ва асосий рақобатчиларни таҳлил қилиш. Корхона тавсифномаси, SWOT таҳлили. Корхона ва унинг рақобатчиларининг кучли ва заиф томонлари таҳлили.

[A3,39-48; A1,43-62 Q4,45-65]

### **Корхона маҳсулотини тавсифлаш**

Маҳсулотнинг умумий тавсифи ва уни баҳолаш. Маҳсулотни баҳолаш усувлари. Маҳсулотнинг иқтисодий кўрсаткичлари. Товар қондирувчи эҳтиёжлар. Сифат кўрсаткичлари. Товарнинг ташқи безалиши. Экспорт кўрсаткичлари ва унинг имкониятлари. Маҳсулотни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Маҳсулот (товар) нинг ҳаётийлик даври кўрсаткичлари Эҳтиёжларни қондириш воситаси. Бозорнинг асосий қонунлари. Бозорда рақобат ва рақобатбардошлик. Янги маҳсулотни тавсифлаш ва бошқа маҳсулотлар билан таққослаш. Патент ҳуқуқлари. Маҳсулотнинг кучли ва заиф томонлари.

[A3,49-65; A1,64-77 Q4,66-84]

### **Маркетинг режаси**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маркетинг режаси бўлимининг аҳамияти. Замонавий маркетингни ташкил қилиш ва уни комплекс ўрганиш. Маркетингнинг таҳлилий функцияси. Маркетингнинг бошқарув ва назорат функцияси. Маркетинг стратегияси. Товар сиёсати. Баҳо (нарх) сиёсати. Сотиш сиёсати. Коммуникатив (ахборот алмашинуви) сиёсати. Маркетинг бюджети. Оммавий маркетинг. Дифференциал маркетинг. Йўналтирилган маркетинг. Ассортимент сиёсати. Янги маҳсулотни яратиш. Маҳсулот сифатини соҳасидаги корхона стратегияси. Дизайн стратегияси. Товарнинг бозор атрибуллари (белгилари). Сервис хизматини ташкил этиш стратегияси. Бозорни ва сотувни тадқиқ қилиш.

Бозор сифимини баҳолаш. Бозорни сегментлаш. Бозор ўзгаришлари ва ривожланиш тенденциялари таҳлили, хусусан, иқтисодий, фан-техника, демографик, экологик, қонунчилик ва бошқа омилларни таҳлил қилиш. Бозор тузилмасини ўрганиш. Сотув ҳажмини башорат қилиш. Корхонанинг баҳо стратегияси. Баҳони шакллантириш усулини танлаш. Корхонанинг баҳо тактикаси. Баҳони бозор суғуртаси (кафолати)ни таъминлаш.

Фирма стили. Маркетинг коммуникациялари комплекси: реклама, сотувни рафбатлантириш, шахсан сотиш, жамоатчилик билан ишлаш, тұғридан-тұғри маркетинг, спонсоринг, махсулот-плейсмент, брэндинг.

[A3,66-74; A1,78-81 Q4,85-92]

### **Ишлаб чиқариш режаси**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш режасининг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Ишлаб чиқариш дастури. Ишлаб чиқариш технологияси. Ишлаб чиқариш коопeraçãoяси. Ишлаб чиқариш жараёни назорати. Атроф-мухит муҳофазаси тизими. Харажатлар башорати. Ишлаб чиқариш режасининг күрсаткичлар тизими. Ялпи махсулот, товар махсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми. Ишлаб чиқариш режасини ишлаб чиқариш құвватлари билан таъминланиши. Ишлаб чиқариш режасинининг ресурслар билан таъминланғанлиги. Ресурслардан фойдаланишин баҳолаш. Ишлаб чиқаришда ресурсларга талабни аниқлашнинг норматив, статистик ва эмпирік усууллари. Киришдаги, чиқищдаги, ўртача йиллик ва лойиха құввати. Моддий захираларни аниқлаш. Айланма маблағлар таркиби, айланиси ва күрсаткичлари. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёж.

[A3,75-86; A1,81-96 Q4,93-104]

### **Ташкилий режа ва менежмент**

Ташкилий режасининг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Корхонанинг кадрлар сиёсати. Ташкилий тузилма. Кадрлар салоҳияти. Кадрлар малакаси ва касбий кўнікмаларининг даражаси. Ташкилий режасининг менежментга бўлган талаблари. Башқарув командаси. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш. Персонални бошқариш. Бизнес-режасининг ишбилармонлик жадвали. Башқарувни ташкил этиш. Ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Бизнес-режаки амалга ошириш бўйича корхонадаги бўлимларнинг ўзаро ҳаракатини ташкил этиш ва тартибга солиш. Башқаришни ташкил этиш.

[A3,87-99; A1,97-106 Q4,104-124]

### **Корхонанинг молиявий режаси**

Ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида молиявий режасининг аҳамияти, мазмуни ва асосий бўлимлари. Махсулот сотиш ҳажмини башоратлаш. Даромад ва харажатлар баланси. Актив ва пассивлар баланси. Молиявий режа сифатига таъсир этувчи омиллар. Молиявий режаки ишлаб чиқиш муддати ва давомийлиги. Ишлаб чиқариш харажатлари, солик ва тўловлар. Корхона фаолиятининг молиявий натижалари. Корхонанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари. Корхонада фойдани шакллантириш ва тақсимлаш. Молиялаш стратегияси. Корхонани зарарсиз ишлаши. Корхона салоҳияти. Пул оқимларини ўзлаштириш.

[A3,100-112; A1,107-123 Q4,125-134]

### **Бизнес-режасининг самарадорлигини баҳолаш**

Бўлимнинг аҳамияти ва асосий қисмлари. Вақт бўйича пул қийматини ҳисобга олиш. Пулнинг истеъмол ва реал қийматини ҳисоблаш. Самарадорликни баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услублари. Инфляцияни баҳолаш. Дисконтлаш ставкаси. Дисконтлаш коэффиценти. Реал инвестициялар самарадорлигини баҳолаш тамойиллари. Соф келтирилган (дисконтланған) даромад. Даромадлилик индекси. Ички даромадлилик нормаси. Ҳаражатларнинг қопланиш даври.

[A3,145-148; A1, 134-142 Q4, 155-206]

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар ва тавсиялар**

Мустақил таълим сифатида:истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш, маркетингни бошқариш жараёни, маркетинг тадқиқотлари тизими, истеъмолчилар хулқ-атворини корхоналар нұқтаи назаридан ўрганиш, бозорни сегментларга ажратиш, мақсадли сегментларни танлаш ва шу асосда махсулотни шу сегментларда жойлаштириш, янги товарларни ишлаб чиқищда алоҳида ёндашиш ва махсулот хаёт циклининг муаммоларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда махсулотларга баҳоларни ўрнатиш ва баҳо сиёсатидаги муаммоларни ўрганиш кабилар киради.

[A3,7-18; A1, 3-12 Q4, 5-26]

### **Амалий машғулотларнинг таҳминий тавсия этиладиган мавзулари:**

1.Бозор иқтисоди ва бизнес.

- 2.Бозор иқтисоди шароитида режалаштириш ва башоратлаш.
- 3.Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона фаолиятида бизнес режалаштириш.
- 4.Корхонанинг бизнес режаси.
- 5.Бизнес режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги.
- 6.Корхона таснифи.
7. Корхона маҳсулотини тавсифлаш
8. Маркетинг режаси
9. Ишлаб чиқариш режаси
10. Ташкилий режа ва менежмент
11. Корхонанинг молиявий режаси
12. Бизнес-режанинг самарадорлигини баҳолаш

#### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

- 1.Бозор иқтисоди шароитида режалаштириш ва башоратлаш.
- 2.Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона фаолиятида бизнес режалаштириш.
- 3.Корхонанинг бизнес режаси.
- 4.Бизнес режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги.
- 5.Корхона таснифи.
6. Корхона маҳсулотини тавсифлаш
7. Маркетинг режаси
8. Ишлаб чиқариш режаси
9. Ташкилий режа ва менежмент
10. Корхонанинг молиявий режаси

#### **Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг илғор интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот коммуникация технологияларининг презентация (тақдимот), мультимедиа ва электро-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, гурӯҳ билан ишлаш, тақдимот, “Бумеранг” каби усул ва техникалардан фойдаланилади.

#### **Рейтинг баҳолаш тизими**

#### **Рейтинг назорати жадвали**

Назорат тури	Рейтинг баҳолашлар		Жами	Саралаш бали
	2	3		
ЖН ( 40 % ) шу жумладан	20	20	40	
ОН (30 % )	15	15	30	
ЯН (30 % )			30	
<b>Жами:</b>	<b>35</b>	<b>35</b>	<b>100</b>	<b>55</b>

Бахо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	55
Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари	185-215	153-183	118-151	118

**“Бизнес режалаштириш” фанидан талабалар билимини баҳолашнинг  
РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ (БАҲОРГИ СЕМЕСТР)**

№			Феврал			Март			Апрел			Май			Июнь																										
			1	4-9	11-16	3	18-23	4	25-02-02-03-	5	4-9	6	11-16	7	16-21	8	18-23	9	25-30	10	1-6	11	8-13	12	15-20	13	22-27	14	29-04	15	06-11	16	13-18	17	20-25	18	27-01	19	03-08	20	10-15
1	ЖН 40%	Амалий				3				12		6		7		8																					24				
2	ОИ 30%	ТМИ								9																											16				
2	ОИ 30%	Маъруза								6																											18				
3	ЯН – 30%	ТМИ																																				12			
		Жами																																				30			
																																						100			

**Эслатма:** Фаннинг ўқув ҳажми 124 соатни ташкил этганлиги сабабли фан коэффиценти 1,24 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 1,24 га кўпайтирилади.

### **ЖНни баҳолаш мезонлари**

“Бизнес режалаштириш” фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг амалий машғулотларида ўзлаштиришини аниқлаш учун қўлланилади. ЖН ҳар бир амалий машғулотларида сўров ўтказиш, савол ва жавоб шаклларда амалга оширилади. ЖН ҳар бир амалий машғулотларида сўров яъни коллоквиум ўтказиш, уй ишларини бажариш, савол ва жавоб, сухбат шаклларда амалга оширилади. Талабага ЖН да бутун баллар қўйилади.

### **Талабанинг амалий машғулотларни ўзлаштириш даражаси қўйидаги мезон асосида аниқланади**

Баҳолаш кўрсат-кичи	Баҳолаш мезонлари	рейтинг бали
Аъло, 86-100%	Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни мустақил ечган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Масаланинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қиласди. Топшириқларни намунали расмийлаштирган.	4
Яхши, 71-85%	Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни ечган. Берилган саволларга етарли жавоб беради. Масаланинг моҳиятини тушунади. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қиласди.	3
Коникарси, 55-70%	Топшириқларни ечишга ҳаракат қиласди. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласди. Масаланинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қиласди.	2
Коникарси 0- 54%	Талаба амалий машғулот дарси мавзусига назарий тфйёрланиб келмаса, мавзу бўйича масала, мисол ва саволларига жавоб бера олмаса, дарсга суст қатнашса билим даражаси коникарсиз баҳоланади	0

## **ОНни баҳолаш**

Оралиқ назорат “Бизнес режалаштириш” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ОН назорат ишлари ёзма иш ва тест усулсида ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш ва тест саволлари ишчи ўкув дастур асосида тайёрланади. ОН га ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирган хисобланади. ОН ни ўзлаштирган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ОН бўйича олинадиган тестлар кафедра мудири раҳбарлигида ташкил этилади ва кафедрада ўкув йилининг охиригача сақланади.

## **ЯНни баҳолаш**

Якуний назорат “Бизнес режалаштириш” фанининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиб, назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ЯН назорат ишлари тест усулсида ҳам ўтказилиши назарда тутилган, тест саволлари ишчи ўкув дастури асосида тайёрланади. ОН ва ЖНларга ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирган хисобланади ва ЯНга киритилмайди. ЯНни ўзлаштирган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ЯН бўйича олинадиган ёзма иш варианatlари кафедра мудири раҳбарлигида тузилади ва деканатларга топширилади.

### **Тест усулсида ЯНни баҳолаш мезонлари:**

ЯН тест ва ёзма иш шаклида ўтказилади ва талабанинг жавоблари 30 баллик тизимда баҳоланади. Бунда тестга ажратилган 10 балл 10 саволлар сонига бўлинib, бир саволга қўйиладиган балл топилади (1 балл) уни тўғри жавоблар сонига кўпайтириб, ва ёзма ишдаги 2 та назарий саволларга 10 баллдан, жами назарий саволга 20 баллдан баҳоланиб талабанинг ЯН да тўплаган баллари аниқланади.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 15 январ 2017 йил.
2. Горемыкин В.А. Энциклопедия бизнес-планов: методика разработки. 75 реальных образцов бизнес-планов. -2-е изд. Учебной пособие. М.: 2008. – 1120 стр.
3. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес-режалаштириш. Ўкув қўлланма. –Т.:Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005, - 160 бет.
4. Бизнес-планирование: учебник/ под ред. В.М.Попова и др.- 2е изд., перераб.и доп.- М.: Финансы и статистика, 2009- 256 стр.
5. Патсула П.Дж.Бизнес-план за 30 дней: Пошаговое руководство по успешному бизнес-планированию и началу собственного дела. Учебной пособие.- М.:Эксмо, 2009. – 512 стр.
6. Романова М.В. Бизнес- планирование: учебное пособие.- М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2008-456 стр.

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Бринк И.Ю., Савельева Н.А. Бизнес-план предприятия. Теория и практика /Серия “Учебники и учебны пособия”- Ростов н/Д.: Феникс, 2008. -384 стр.
2. Исаков М.Ю. “Бизнес-режалаштириш” фани бўйича таълим технологияси/ “Иктисодий таълимда ўқитиш технологияси” сериясидан. –Т.:ТДИУ, 2007. -60 бет.
3. Исаков М.Ю., Ядгаров А.А. “Бизнес-режалаштириш” фани бўйича ўқув-услубий мажмуя. –Т.:ТДИУ, 2010. -220 бет.

## **Интернет сайтлар**

1. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)
2. [www.ved.ru](http://www.ved.ru)
3. [www.ser.uz](http://www.ser.uz)
4. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
5. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net);
8. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
9. [www.marketing.ru](http://www.marketing.ru)
10. [www.brand.uz](http://www.brand.uz)